



# MILLIY TIKLANISH

48 (420) ● 2016 йил 9 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
 ЎЗМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## Миллий манфаатлар ҳар нарсадан устун!

Фракция ҳаёти

### Парламент назоратини самарали амалга ошириш

партия дастурий мақсадларига хизмат қилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗМТДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жорий йилнинг 28 октябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган 2017 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг асосий параметрларида ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатида кўзда тутилган чоратадбирлар ижроси юзасидан парламент назоратини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишни ЎЗМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Кун тартибидagi масала юзасидан фракция аъзоси Абдурашид Тўхтабоев маъруза қилди. Таъкидланганидек, "Парламент назорати тўғрисида"ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Давлат бюджети ижросининг бориши тўғрисидаги масалани дастлабки тарзда муҳокама қилиш давомида фракциялар, депутатлик гуруҳлари ва Қонунчилик палатасининг кўмиталари тегишли органлардан Давлат бюджетининг даромад қисми ижроси, ажратилган маблағларни ўзлаштириш ҳолати ҳамда улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш тўғрисидаги қўшимча ахборот ва маълумотларни талаб қилиб олишга ҳақли. Фракциялар, депутатлик гуруҳлари жойларда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши ва улардан самарали фойдаланилиши масалаларини Қонунчилик палатасининг тегишли кўмиталари томонидан ўрганиш ташаббуси билан чиқиши мумкин. ЎЗМТДП фракцияси Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланилишини назорат қилишда партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш зарур, деб ҳисоблайди.

> 3-бет.

Юзма-юз



### Миллат тараққиёти ва келажагининг пойдевори

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Номзод шу йилнинг 4 ноябрь куни Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди. Учрашув вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари сайловчилари билан видеоконференция орқали мулоқот тарзида ташкил этилди. Унда жамоатчилик вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, маҳалла фаоллари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Учрашуви ЎЗМТДП Фарғона вилоят кенгаши аъзоси, вилоят халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ректори Маъмуржон Отажонов очди. Президентликка номзоднинг Фарғона вилоятидаги ишончли вакили, партия вило-

ят кенгаши раиси Умид Жабборов сайловчиларни номзоднинг таржimai ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратов сайловчиларга сайловолди Дастурида белгиланган вазифалар ҳақида маълумот берди.

— Инсон ҳамиша нурга, эзгуликка талпинганидек, ободлик ва фаровонлик ҳам бугунидан кўнгли тўқ, ёрۇқ келажақ йўлида дадил олға бораётган мамлакатда янада кенг кулоқ ёяди, — деди номзод. — Бу мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқларимизнинг янги қиёфа касб этиб, озода ва файзли масканга айланаётгани мисолида яққол намён бўлмоқда. Энг муҳими, одамларимизда, уларнинг онги ва тафаккурида ўзгаришлар, янгиланишлар содир бўлди. Улуғвор ва бетакрор иморатлар бунёд этаётган халқимизнинг гурурига гурур қўшилди, ҳаётда ўз қадрини билиб яшашни ўрганди.

Бу жиҳатлар Фарғона вилоятида ҳам яққол ўз

ифодасини топмоқда. Бунёдкорлик ва ободончилик ишларининг изчил олиб борилиши натижасида вилоят маркази, шаҳар ва қишлоқлари қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли ҳаёт даражаси юксалиб бормоқда. Буларнинг барчаси қалбимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотади.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли маънавий-маърифий ислохотлар самарасида, аввало, ўзлгимизни, қандай буюқ маданий мероснинг, қандай улўғ мутафаккир зотларнинг авлоди эканимизни англадик. Тинчликларвар ва бунёдкор, яратувчи халқ сифатида мамлакатимизнинг улкан салоҳияти ва имкониятларини бутун дунёга намён қила олдик. Бу халқимиз, аввало, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, туғилиб ўсган юртдан, ўз тарихидан гурур-ифтихор туйғусини кучайтириб, миллий ўзлигимизни янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

> 2-бет.

Семинар

### Сайлов жараёнида

маҳалланинг ўрни

Аҳолининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнидан хабардорлик даражасини янада ошириш мақсадида маҳаллаларда "Мен шахсан ўзим овоз берман", "Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эгамиз", "Менинг овозим Ватан келажагига дахлдор", "Биз танлаш ҳуқуқига эгамиз", "Сайловчилар рўйхатида бормисиз?" каби мавзуларда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Бу ҳақда 5 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси Ж.Иноғомов ва бошқалар юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасини тубдан янгилаш ҳамда модернизация қилиш борасида амалга оширилган ислохотлар жараёнида фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган демократик стандартларга мос бўлган сайлов тизими яратилганлигини таъкидлади.

Жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий

ва иқтисодий ҳаётининг ажралмас қисми бўлган маҳалла институтининг ҳуқуқий асослари яратилиб, замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириб борилиши натижасида фуқаролар йиғинлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқли бўлган ўттиздан зиёд вазифаларни муваффақиятли бажариб келмоқда. Маҳаллалар аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказларига айланди, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини олиб бормоқда.

Тадбирда таъкидланганидек, айни пайтда маҳаллалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш жараёнида фаол иштирок этмоқда. Маҳаллаларда фуқароларга истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун, унга сўнгги йилларда киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда сайловчиларнинг қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини кенг тушунтириш ишлари олиб борилаётди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган тадбирларда фуқаролар йиғинлари раислари ва жамоатчилик комиссияларининг ўрни, сайлов қонунчилиги, участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишда маҳалла фаолларининг роли каби масалалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Семинар қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Ўз мухбиримиз

> 3-бет.

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Партиянинг сайловдаги иштироки, сайловолди ташвиқоти давридаги фаолияти бошланғич партия ташкилотларининг қай даражада ишлашига беvosита боғлиқ. Айиқса, имзо тўплаш жараёни, номзод ва ишончли вакилларнинг сайловолди учрашувларини ташкил этиш улардан алоҳида фаоллиқни талаб этади.

### Фаоллик ва масъулият — асосий талаб

Айни шу мақсадда ЎЗМТДП куйи бўгин ташкилотларининг шу йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлиги, олдимизда турган муҳим сиёсий жараёндаги иштироки билан қизиқдик.

Ҳуқуқ ва бурч

### Кузатувчилар институти

унинг ҳуқуқ ва ваколатлари

Сайлов қонунчилигида белгиланган кузатувчилар институти ҳақида тушуноқ, унинг вазифаси ва аҳамияти тўғрисида маълумот берсангиз. Улар сайлов жараёнида қандай ўрин тутади?

Шафоат СОЛИЕВА, Денов тумани

— Аввало, шуни айтиш жоиз, мамлакатимизда демократик сайловларни ташкил этиш яширин овоз беришга асосланган бўлиб, қолган барча жараёнлар очик, ошқора ва транспарентлик асосида ўтказилади.

Сайловда кузатувчиларнинг иштирок этиши ҳуқуқий демократик давлат ҳамда сайлов жараёнининг очик ва ошқора ўтишининг зарурий шarti ҳисобланади. Шунингдек, фуқароларда сайловларнинг эркин ва адолатли, ҳаққоний ўтишига бўлган ишончини орттиради ва уларни сайлов жараёнида янада фаол қатнашишга ундайди.

Кузатувчилар жамоатчилик назоратининг қонуний восита ва усулларини қўллаган ҳолда овозларни санаб чиқиш пайти ва участка сайлов комиссияси баённомасини тузишда ҳозир бўлади. Сайловнинг расмий янунлари ҳаққонийлиги ва қонунчилиги нисбатан баҳо бериш ва хулоса чиқариш имконига эга.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг

5-моддасига мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчиларга мандатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан берилади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида"ги Низоми қабул қилинган.

> 3-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





Фракция ҳаёти

# Парламент назоратини самарали амалга ошириш

партия дастурий мақсадларига хизмат қилади

< Давоми.  
Бошланиши 1-бетда.

Маълумки, иқтисодийнинг устувор тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмлари оширилишини рағбатлантириш мақсадида 2017 йилда амал қилиш муддати туғайдиган алоҳида солиқ имтиёзлари яна узайтирилмоқда. Ана шу тармоқларда солиқ имтиёзларидан фойдаланиш аҳоли, имтиёзлар ҳисобига улар ихтиёрида қолаётган маблағларнинг белгиланган мақсадларга ишлатилиши юзасидан назорат тадбирини ташкил этиш лозим. Шу билан бирга, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш, маҳаллий бюджет даромадлари базасини мустаҳкамлаш борасида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг жойлардаги ижросини назорат қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу, ўз навбатида, партия сайловолди Платформасида белгиланган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, боғжона имтиёз ва преференциялари, имтиёз субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш каби мақсад-вазифаларга хизмат қилади.

— 2017 йилги Давлат бюджетидан мавжуд маданий ёдгорликларнинг тарихий қиёфасини сақлаб қолиш, тарихий жойлар, мезморий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Элдор Туляков. — Мазкур соҳадаги дастурий молиялаштириш учун келгуси йилда Давлат бюджетидан 25,8 миллиард сўм маблағ ажратиш режалаштирилган. Бу ўтган йиллардаги нисбатан 16,7 фоизга кўп. Фракциямиз ЎзМТДПнинг ушбу йўналишдаги устувор дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда маданий мерос объектларининг сақлиниши ва қайта таъмирланишига ажратиладиган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини назорат қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайди. Бунда жойларга чиқиб, партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳамда тегишли мутасаддилар билан биргаликда назорат ишларини олиб бориш режалаштирилмоқда.

Йўналишдаги фракция аъзолари уй-жой қурилиши

ҳамда ижтимоий соҳа объектларига ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали фойдаланилишини назорат қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада тегишли ташкилот ва идоралар билан биргаликда муайян чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳларини кенг жалб этиш лозимлиги қайд этилди.

2017 йилги солиқ ва бюджет сиёсатида қатор туман ва шаҳарларни субвенциядан чиқариш кўзда тутилган. Бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият органларининг касб-хунар коллежларини молиялаштириш ваколатларини республика бюджетига тасарруфига ўтказиш, бир қатор харажатларни туман даражасидан вилоят даражасига ўтказиш режалаштирилган. Фракция аъзолари мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларни бевосита жойларга чиқиб ўрганиш ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирокида муҳокама қилиш лозимлигини таъкидладилар. Чунки бу борадаги ишлар натижасини ўрганиш жуда муҳим масала саналади. Қолаверса, бу ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган ҳудудларни, шаҳар ва қишлоқларни ўзаро уйғун ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда ҳудудлар бўйича айрим номутаносибликларга барҳам бериш, турли минтақаларимизда яшаётган одамларнинг яшаш шароити ва турмуш тарзини тенглаштиришга қаратилган солиқ-бюджет сиёсатини амалга оширишга кўмаклашиш сингари мақсад-вазифалар ижросига хизмат қилади.

Муҳокамаларда сўз олган фракция аъзолари Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари параметрларида кўзда тутилган молиявий маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлашда парламентнинг назорат функциясида самарали фойдаланиш ҳамда бу жараёнда фаол иштирок этиш лозимлигини таъкидладилар. Бунда, албатта, партия дастурий мақсад-вазифалари, электорат манфаатларига устувор аҳамият қаратиш зарурлиги қайд этилиб, қатор тақлиф-мулоҳазалар билдирилди.

Йўналишдаги муҳокама этилган масала юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Муҳтарема КОМИЛОВА,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

Ҳуқуқ ва бурч

< Давоми.  
Бошланиши 1-бетда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2016 йил 7 октябрдаги қарорига асосан "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашувчи сиёсий партияларнинг кузатувчилари тўғрисида" Низом тасдиқланган. Унга мувофиқ, кузатувчининг асосий мақсади сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда партия манфаатларини қўллаб, сайлов қонунчилигига тўлиқ риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан иборат. Мамлакатимизда сиёсий партиянинг аъзоси, унинг тарафдори ёхуд мазкур сиёсий партияга хайрихоҳ бўлган ҳар қандай Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқароси ушбу сиёсий партиядан кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

## Кузатувчилар институти

унинг ҳуқуқ ва ваколатлари

Мазкур Низомда кузатувчилар рўйхатини шакллантириш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби белгиланган. Кузатувчилар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этаётган сиёсий партияларнинг туман (шаҳар) ташкилотлари томонидан тегишли ҳудуддаги сайлов участкалари сонидан келиб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияга сайловда иштирок этишга ижозат берганидан кейин шакллантирилади. Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар (ҳудудий) партия ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ушбу сиёсий партиядан кўрсатилган номзод рўйхатга олинган кундан бошлаб сайловга қамада ўн беш кун қолганга қадар округ сайлов комиссиясига сиёсий партиянинг кузатувчиларига оид ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилиши талаб этилади. Округ сайлов комиссияси ҳудудий партия ташкилотининг аризасини олгандан кейин беш кун ичида кузатувчи учун белгиланган намунадаги мандат беради.

Кузатувчи сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек овоз бериш куни ўзига берилган мандатни кўксига тақиб юриши керак. Сайлов комиссиялари кузатувчига мандат ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатганидан сўнг, у ўз ваколатларини тўлақонли ва тўсқинликсиз амалга ошириши учун имконият ярати беради.

Сайловда хорижий ва маҳаллий кузатувчиларнинг иштирок этиши сайловнинг умумийлик ва тенглик, овоз беришнинг яширинлиги, шунингдек очик ва ошқора, эркин ва адолатли, демократик тамойилларга амал қилинган ҳолдада ўтишида муҳим ўрин тутади.

Сиёсий партиялар томонидан кузатувчилар институтига берилган ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланиш нафақат уларнинг имконияти ва салоҳиятини ошириш, балки мамлакатда кўппартиявийлик тизимини етуқлигини намоён этиш, сайлов жараёнида фаол иштирок этиш, муайян тажриба тўплаш ҳамда партия ходимлари учун ўзига хос синов мактаби ҳамдир.

**Акмал РАҲМОНОВ,**  
юридик фанлар номзоди,  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси.

Сайлов — 2016

# Марказий сайлов комиссиясида

2016 йил 8  
ноябрь куни  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Марказий  
сайлов комиссиясининг  
мажлиси  
бўлиб ўтди.



Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарган мажлисда сиёсий партиялар вакиллари, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайловни кузатиш миссияси аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкый аҳолига, ирқий ёки миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатига, машғулоти тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Марказий сайлов комиссиясининг шу йил 7 октябрдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш даврида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури изчил амалга оширилмоқда.

Жамиятни янада янгилаш ва демократлаштириш фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Миллий сайлов тизими, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонун, унга сўнги йилларда киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, шунингдек, сайловчиларнинг қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг кўзи оқиб фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш, улар учун Брайль алифбосида сайлов бюллетенларини тайёрлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича бутун сайлов кампанияси кенг ошқоралик асосида ўтказилмоқда. Амалдаги қонунларга биноан, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳарақатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Сайлов кампаниясида халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши сайлов жараёнининг очиклиги ва ошқоралигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Маълумки, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссиясининг элчи Йохан Петер Трауготт Тейлер бошчилигидаги асосий гуруҳи сайлов жараёнини кузатиш бўйича ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Мажлисда ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилар миссиясининг мамлакатимизга шу йилнинг 6-7 ноябрь кунлари ташриф буюрган 20 нафар узоқ муддатли кузатувчисини аккредитация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

# Фаоллик ва масъулият — асосий талаб

< Давоми.  
Бошланиши 1-бетда.

**Дилбар МАДИЁРОВА,**  
Нукус шаҳридаги Республика болалар марказий шифохонаси қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти етакчиси:



— Тиббиёт ходимларидан иборат бошланғич партия ташкилотимиз партия мақсад ва вазифаларини тарғиб-ташвиқ қилишда фаоллик кўрсатиб келаётимиз. Айни пайтда ЎзМТДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг сайловолди Дастуридан ўрин олган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсад-вазифаларни юзма-юз мулоқотларда ҳаётий мисоллар воситасида аҳолига тушунтиряймиз. Бунда, айниқса, оқватланиш хилма-хиллигини кенгайтириш, мамлакатимизда сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклаш гоёси аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда гоё муҳим аҳамиятга эга эканига эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, Дастурда миллат генофондини асраш ва соғлом авлодни воёга етказиш мақсадида ўсимирларга соғлиқ учун зарарли бўлган қувват берувчи ичимликларни сотишни тақиқлаш борасида илгари сурилган ижтимоий аҳамиятга эга вазифани ёшларга маҳаллаларда, ўқув-муассасаларида маърифий-тушунтириш ишлари орқали етказаяймиз.

Номзоднинг сайловолди Дастурида нафақат соғлиқни сақлаш соҳасидаги мақсадлар, балки ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, иқтисодий, суд-ҳуқуқ, ахборот, спорт ва ташқи сиёсат соҳасида илгари сурилаётган вазифалар, айниқса, уларга миллий қадрият ва аънаналар, Ватанимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилгани бошланғич партия ташкилотимиз аъзолари томонидан эътироф этилмоқда. Дастурдаги миллий тикланиш гоёсини амалга оширишда тарихий ўрганишга эътибор қаратилгани қўлланма манзур бўлмоқда. Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, кучли миллий иқтисодий шакллантириш, соғлом авлодни воёга етказиш юзасидан белгиланган устувор вазифалар Ватанимиз эртанги куни ва нури келажаги учун хизмат қилишига ишонамиз.

Бошланғич партия ташкилотимиз аъзолари, айниқса, биринчи марта овоз берувчи фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг сайлов тизими борасидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида "Сайлов — демократия кўзгуси", "Сайловда фаол иштирок этиш — фуқаролик позициясининг муҳим жиҳатидир" каби мавзуларда давра суҳбатлари ташкил қилияймиз. Бундай тадбирлар БПТ аъзолари, хусусан, сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёшларнинг ушбу сиёсий жараёндан хабардорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

**Ҳасан ЖУМАЕВ,**  
Термиз шаҳридаги мусиқа ва санъат коллежи қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти етакчиси:



— Шу йил 4 декабрда бўлиб ўтadиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида тайёргарлик доирасида куйи бўғинимиз ҳамда ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши ҳамкорлигида "Сайлов ва ёшлар" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон жароёнида ёшлар фаоллигини ошириш мавзусида семинар-тренинглар ташкил этилмоқда, ёшларга сайлов қонунчилигининг асосий қоидалари тушунтирилиб, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди Дастури аҳоли орасида кенг тарғиб-ташвиқ қилинмоқда.

Шу билан бирга, бошланғич партия ташкилотимиз аъзоларининг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ошириш мақсадида мутахассислар иштирокида миллий сайлов қонунчилиги, унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, партиямизнинг бугунги фаолияти ва номзоднинг сайловолди Дастури тўғрисида кенг маълумот берилмоқда. "Миллий манфаатлар ҳимояси — ЎзМТДПнинг устувор вазифаси", "Президент сайлови — халқимизнинг бугунги ҳаёти, тақдири ва ёшлар келажагини белгилайди" каби мавзуларда уюштирилган давра суҳбати ва учрашувлар ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари, куйи бўғинимиз ташаббуси билан "Ягонасан, муқаддас, Ватан!", "Санъат гунаҳлари", "Камалал юлдузлари", "Истиклол гунаҳлари", "Тарихий соғларнинг сеҳрли садоси" каби кўрик-танловлар ташкил этилмоқда. Бу каби лойиҳалар партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди Дастурида белгиланган болаларнинг руҳий-маънавий дунёсини ва маданий савиясини ўстириб бориш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятини энг яхши асарлари билан ошно бўлиши учун куйи шарт-шароитлар яратиш каби вазифалари ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Бунинг натижасида сафимиз партиямиз гоё-мақсадларини қўллаб-қувватлайдиган, сиёсий фаол фуқаролар билан кенгайиб бормоқда. Бундан ташқари, тарғибот-ташвиқот жараёнида сайловчиларнинг партиямиз дастурий мақсад-вазифаларини қўллаб-қувватлашга ва сайловда партиямиздан кўрсатилган номзодга овоз беришга ундаши, шубҳасиз.

**Сарвиноз САИДОВА,**  
Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд вилоят бекқали дарома театри қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти етакчиси:



— Бошланғич партия ташкилотимиз ёшларга маънавий ибрат бўлиб хизмат қила оладиган, ёш авлодни миллий гоё, жасорат ва матонат руҳида тарбиялашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга фаол замондошларимизнинг баддий образлари таъсирчанлигини кучайтириш каби мақсад-вазифаларимиз рўйи бевосита кўмаклашмоқда. Айни пайтда сахна асарларимиз воситасида миллий қадрият ва урф-одатларимиз, тарихимиз, бугунги ҳаётимиз билан боғлиқ қўллаб мавзулар кенг ёритилмоқда. Фаол замондошларимизнинг баддий образлари ёшлар маънавий оламини бойитишга хизмат қилаётимиз.

Бошланғич партия ташкилотимиз айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида пухта тайёргарлик кўрмоқда. Куйи бўғин аъзолари партиямиздан Президентликка номзоднинг сайловолди Дастури билан яқиндан танишиб чиқдилар. Номзоднинг сайловолди Дастурида бугунги глобаллашув шароитида халқнинг ўзига хос қиёфаси, миллий қадрият ва аънаналарини асраб қолиш, одамларда юксак маънавий онг ва дидни тарбиялашда театрлар бекқес аҳамият касб этиши таъкидланган. Шунинг учун замондошларимизни ўйлантираётган ва тўлқинлантираётган мавзуларда баддий жиҳатдан юксак, маҳорат билан саҳналаштирилган спектакллари кўпайтириш, одамларда, айниқса, ёшларда театр томошаси маданиятини ўстириш, энг муҳими, мамлакатимизнинг барча театрларида "Очқоқ эшиклар куни" ташкил этилишига эришишимиз зарурлиги алоҳида қайд этилган. Бу эса театр актёрларидан иборат куйи бўғинимизнинг ҳар бир аъзоси зиммасига катта масъулият юклайди.

Партиямиздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди Дастурини чуқур ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатлами, хусусан, хотин-қизлар, ёшларга кенг тушунтириш, жамоатчилик хабардорлигини ошириш мақсадида давра суҳбатлари ташкил этиляймиз. Очқоқ ва самимий мулоқот тарзида ўтган "Сайловларда фуқароларнинг фаоллиги", "Бошланғич партия ташкилотларининг сайловдаги иштироки" каби мавзулардаги тадбирларимиз нафақат номзоднинг сайловолди Дастури тарғиботи, балки партиямиз сафининг янада кенгайишига ҳам хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, бошланғич партия ташкилотларининг бугунги кундаги фаолияти ҳар доимгидан кўра қизгин кечмоқда. Инчунун, партиямиз энг куйи бўғини бўлган мазкур ташкилотлар ҳам 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайлови ҳамда унга ЎзМТДПдан кўрсатилган номзоднинг сайловолди Дастури ташвиқотида муносиб улуш қўшади. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг уюшқоқлик билан юксак савияда ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

"Milliy tiklanish" мухбири  
Ойдин АЛИМАРДОНОВА ёзиб олди

Бехзод БОЗОРОВ,  
ЎЗА



# БАРКАМОЛ АВЛОД — МИЛЛАТ ТАЯНЧИ!

## САРВАР ОТАМУРАТОВ

### НОМЗОДИМИЗГА ОВОЗ БЕРИНГ!



#### Карор ва ижро

Истиқлолнинг ilk йилларида мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлганидан сўнг мамлакатимизда ўз интилиши ва салоҳияти билан маҳсулот ишлаб чиқармади, деган инсонни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати шунинг муҳим йўналиши ва пировард мақсадига айланди.

Бу йўналишда, аввало, бозор иқтисодиётининг асоси — хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси, уни жадал амалга ошириш механизми ва қулай ишбилармонлик муҳити яратилди. Хусусий мулк ҳуқуқлари ва унинг ҳимояси мустаҳкамланди. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасининг ўн бешдан ортиқ қонуни, жумладан, янги тахрирдаги "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида", "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Давлат органларининг хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини чеклашга доир изчил чоралар кўрилди. Иқтисодий ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш орқали хусусий секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизм яратилди.

Амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида тадбиркорлик, айниқса, оилавий бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик наинки ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, балки мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, оилалар фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил бўлаётган.

Сирдарё вилоятида ҳам тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес тармоқларини кўлайитириш, хусусан, оилавий тадбир-

## Оилавий тадбиркорлик — фаровонлик омили



корликни ривожлантириш бора-бора тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунига асосан оилавий тадбиркорлик — оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкни жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти саналади. У юридик шахс шаклида ёки аксинча ташкил этилиши мумкин. Вазирлар Маҳамасининг 2009 йил 29 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва хунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан, оилавий тадбиркорлик субъекти қонунчиликда яқка тартибдаги тадбиркорлар учун шуғулланишга рухсат этилган фаолият турларини амалга ошириши мумкин ҳамда тадбиркорлик фаолияти оилавий тадбиркорлик субъекти томонидан бир неча объектларда алоҳида амалга оширилган тақдирда, ҳар бир алоҳида объект учун қатъий белгиланган солиқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15

майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтарди. Бунга юртимизда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиб, юқори натижаларга эришадиган кўплаб юрtdошларимиз ҳаёти мисолида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.

Айни пайтда Сирдарё вилоятида ҳам юзга яқин оилавий тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, Сирдарё туманилик Зокиржон Ҳосилов ёғочдан эшик, дераза ва турли буюмлар тайёрлашни йўлга қўйганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамай, унинг корхонасида ишлаб чиқарилаётган халқ хунармандчилиги буюмлари ва кўрсатилаётган хизматларга талаб кун сайин ортиб бормоқда.

— Бугун тадбиркор ҳеч қандай тўсиқсиз давлат рўйхатидан ўтиб, ўз бизнесини йўлга қўйиши, эркин фаолият юритиши мумкин, — дейди З.Ҳосилов. — Мамлакатимизда яратилган қулай бизнес муҳити самарасида ташкил этилган корхонада 4 кишининг дои-

мий бандлиги таъминланди. Эшик, дераза, ром буюртма асосида тайёрланадиган корхонада "устоз-шогирд" аъналари асосида маҳалла ёшларига хунар сирларидан ҳам сабоқ берилди. Айни пайтда харидорлар таъби ва бозор талабини ўрганиб, янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш усулларини ўзлаштирмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, оилавий корхона иштирокчиларининг ишлаган вақти меҳнат дафтарчасида қайд қилиниб, иш стажига қўшилади. Корхона фойдаси солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ва унга солиқ солинмайди. Бундан ташқари, оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ баддий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмлари сотувидан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловидан озод қилинган. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган қатор солиқ имтиёзлари, преференциялар ва кафолатлар эвазига ўз ихтиёрида қолган қўшимча маблағлар оилавий корхона фаолиятини янада кенгайтиришга сарфланмоқда.

Бу каби чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонларга, айниқса, кичик бизнес вакилларига эркин ва самарали иш юритиш, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишда янги имкониятлар яратмоқда. Бу халқимиз фаровонлиги ошиши, мамлакатимиз тараққиёти янада юксак поғоналарга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этади.

**Расул РАҲМОНКУЛОВ,**  
Сирдарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси

#### ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

### Маккажўхори — кони фойда

Маккажўхори юртимиз ҳудудида қадим-қадимдан маълум бўлган. Йиллар давомида унинг олти ойлик, ҳўраки, бой жўхори каби навлари яратилган...

Маккажўхори дунё бўйича энг кўп экиладиган экинлар орасида бугдой ва ғарудан кейинги ўринда туради. Унинг Ватани — Марказий ва Жанубий Америка. Маккажўхори оқсил, мой, углевод, витаминларга бой.

Маккажўхори — жуда маҳсулдор. Унинг донидан ун, ёрма, бодрок, ширин қаламчалар тайёрланади. Донидан қандолат маҳсулотлари учун зарур бўлган крахмал қиёми ва ёғ олинади, попуги эса тиббиётда кенг қўлланилади. Попуги таркибиде 2,5 фоизгача ёғ, 0,12 фоиз эфир мойи, сапонинлар, флаванонидлар, органик кислоталар, гликозидлар, С ва К витаминлари, каротин ва бошқа зарур моддалар мавжуд.

150 грамм жўхори билан катта ёшли инсонларнинг В 1 витаминига бўлган талабини қондириш мумкин. Яна унинг таркибиде парижонхотирликдан ҳимоя қилувчи ва антиоксин ҳисобланган Е витамини ҳам мавжуд. Жўхорини мунтазам истеъмол қилиш юрак хасталиқлари ва саратон хавфининг олдини олади.

Унинг мевасидан олинган мой қон тар-

кибидеги холестеринни камайтириш, артеросклероз касаллигини даволаш ва олдини олиш учун қўлланилади. Шу билан бирга, организмда моддалар алмашинувини яхшилашда, қандли диабет, нефрит, буйрак-тош ва холесистит касаллиги, ўт ва сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Маккажўхоридан олинадиган крахмал болаларга мўлжалланган дозилар таркибига қўшилади.

Жўхори темир, кальций, фосфор, магний ва бошқа микроэлементларнинг манбаи саналади. Унда Менделеев жадвалидаги элементларнинг 26 тури мавжуд. Таркибидеги В, Е, А, РР витаминлари инсонни рухий зўриқишдан халос қилиб, тери ва сочни соғлом, гўзал ҳолда сақлайди. Шуни қайд қилиш керакки, жўхори хам эга. Қайнатилган жўхори ўзидаги фойдали хусусиятларни йўқотмайди. Унинг таркибига кирувчи лизин ва триптофан ошқозон-ичак қобилияти ва мушаклар тонусини яхшилашга хизмат қилади.

Қайнатилган жўхори қандли диабетга чалинган беморлар учун ҳам тавсия этилади. У қанд миқдорини меъёрга келтиради, аллергияга мойиллиги борларга, камқонликдан азият чекувчи, жигар, юрак хасталиги билан оғриганларга яхши фойда беради.

Сурункали бош оғриғи ва ошқозон-меъда фаолиятида муаммоси бор инсонларга қайнатилган жўхорини кўп истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

#### БИЛАСИЗМИ?

- Ўздан нур таратувчи ва маҳаллий аҳоли орасида "Фаришта қанотлари" дея аталувчи чиганоқлар фақат Нигер дарёсида учрайди.
- Какрунинг ўзига хослиги шундаки, у бошқа ҳушлар инига тухум қўяди.
- Фил бир дақиқада 10, сичқон эса 200 марта нафас олади.

#### ТУРФА ОЛАМ

### Ҳаракатланувчи офис

Япониянинг "Nissan" компанияси "Nissan e-NV200" электр автомобили негизда гилдиракли офис барпо қилди.

"Workspace" деб номланган автомобиль бизнес марказларидаги қиммат офислар ва сўнгги вақтларда оммалашиб бораётган хотдескинг (бир неча кишининг турли вақтларда бир иш ўрнидан фойдаланиши) ўрнини босиши мумкин. Британиянинг "Studio Hardie" дизайн студияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган автомобиль кузовининг ҳажми — 4,2 куб метр.

Автомобиль ичида росмана иш жойи барпо этилган: стол, сенсор экранли компьютер, симсиз Интернет, Bluetooth-аудиотизим, смартфон воситасида бошқарилувчи атмосфералари ёруғлик диодли чирок, телефон учун симсиз қувватлагич, музлатгич ва, ҳатто, бир зумда қаҳва тайёрловчи ускуна ҳам ўрнатилган. Шу боис унинг ичида худди идорадагидек бемалол ишлаш мумкин. "Nissan e-NV200" фургонли автомобили "Leaf" электрокарининг 109 от кучига эга электромотори воситасида ҳаракатланади. Унинг ҳаракатланиш захираси — 170 километр.

Зарифа НИЁЗМЕТОВА тайёрлади.